



**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Абдухамидов Сардор Кахарбоевич¹

¹ЎзР ФА Механик иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги
институтининг стажор тадқиқотчиси

Омонов Заршид Жуманазар ўғли²

²Тошкент Давлат техника университети ассистенти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7388642>

Аннотация: Ушбу мақола корхоналарга интеллектуал ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилишнинг мавжуд функция ва тамойилларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Мамлакатимиз корхоналарида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ахборот, технология, функция, тамойил, ахборот технологиялари, коммуникация, корхона, ривожлантириш, жорий қилиш, давлат, бошқариш.

Маълумки замонавий миллий иқтисодиёт самарадорлигининг асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновация салоҳияти ташкил этади. Бундан фойдаланиш макроиқтисодий барқарорлик, реал секторлар рақобатбардошлигини таъминлаш, етакчи тармоқларни техник ва интеллектуал технологик даражасини кўтариш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишда кенг имкониятларни очиб беради.

Бу имкониятлар аввало фундаментал тадқиқотлар, илм-фан янгиликлари, янги билимлар, замонавий ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш усулларида намоён бўлади. Бугунги кунда замонавий интеллектуал ахборот технологияларсиз корхоналар фаолиятини ривожлантириш масаласини ҳеч ким тассаввурига ҳам сиғдира олмайди. Чунки ҳозирда ахборот коммуникацион технологиялари шиддат билан ривожланиб бормоқда, бу эса корхоналарга ўз фаолиятига янги инновацион техника ва технологияларни киритиш, юқори технологиялардан фойдаланиб рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини юклайди. Мамлакатимизда «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепцияси қабул қилиниб, унга кўра «ақлли транспорт», «ақлли таълим», «ақлли тиббиёт», «ақлли энергетика тизими», «ақлли қурилиш» «ақлли коммунал хўжалик», «ақлли уй», «ақлли ҳокимият», «ақлли маҳалла» каби лойиҳалар «Ақлли





шаҳар» технологияларини жорий этишнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди.

Шу билан биргаликда мамлакатимизнинг аксарият корхоналарида АКТни жорий этиш масалаларида бир қанча муаммолар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилидаги ижроси бўйича дастурда ҳам бунга катта аҳамият қаратилган. Ўзбекистон Республикасида чуқур, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилган экан, узлуксиз ҳуқуқий таълим тизимини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Дарҳақиқат, келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқарашини ўзгарган раҳбар ходимларимиз, мутахассисларимизнинг фаолиятига кўп жиҳатдан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис, янгича фикрлайдиган, ўз хизмат соҳаси ва интеллектуал фаолиятига замонавий интеллектуал ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш оладиган, юксак малакали, чуқур билимли раҳбар ходимларни тайёрлаш бугунги кунда давр талаби бўлиб қолди.

Интеллектуал ахборот технологияси асосий техник воситалари сифатида ҳисоблаш-ташкилий техникадан ташқари алоқа воситалари-телефон, телетайп, телефакс ва бошқалар қўлланилади. Интеллектуал ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида мавжуд бўлган бўлса-да, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хомашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда. Интеллектуал ахборот технологияларининг индустрияси мажмуини компьютер, алоқа тизими, маълумотлар базаси, билимлар базаси ва у билан боғлиқ фаолият соҳалари ташкил қилади.

Бугунги кунда ахборот технологияларини шартли равишда сақловчи, рационаллаштирувчи ва яратувчи турларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги технологиялар меҳнатни, моддий ресурсларни ва вақтни тежайди. Рационаллаштирувчи ахборот технологияларига чипталар буюртма қилиш, меҳмонхона ҳисоб-китоблари тизимлари мисол бўла олади. Яратувчи (ижодий) ахборот технологиялари ахборотни ишлаб чиқарадиган, ундан фойдаланадиган ва инсоннинг таркибий қисм



сифатида ўз ичига оладиган тизимлардан иборат. Ахборот технологияларининг ҳозирги замон тараққиёти ҳамда ютуқлари фан ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Жамиятни ахборотлаштириш деганда, ахборотдан иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакат фан-техника тараққиётини, жамиятни демократлаштириш ва интеллектуаллаштириш жараёнларини жадаллаш-тиришни таъминлайдиган жамият бойлиги сифатида фойдаланиш тушунилади. Корхона бошқаруви учун замонавий ахборот технологияларининг асосий вазифалари - керакли маълумотларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, янги маълумотларни ишлаб чиқиш ва оптималлаштиришнинг турли хил муаммоларини ҳал этишдан иборатдир. Вазифа нафақат вақтни сарфлайдиган, мунтазам такрорланадиган, маълумотларни қайта ишлаш операцияларини танлаш ва автоматлаштириш, балки самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган янги маълумотларни олиш учун уларни қайта ишлаш орқали ҳам амалга оширилади. Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиёт ривожланишининг асосий қисмларидан бири ҳисобланади.

Деярли барча фирмалар ва истеъмолчилар, истеъмолчиларни кўпроқ диверсификацияланган ҳамда мослаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш, товар ва хизматларни сотиш каби компьютер ва интернет тармоғидан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш ривожланиб бормоқда. Барчамизга маълумки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини кенгайтириш ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири сўнгги йигирма йил ичида жадал суръатлар билан ўсиб келмоқда.

Бироқ, компьютер, мобил телефон ва Интернет фойдаланувчилари ҳақидаги мамлакат ичидаги маълумотлар мамлакат ва минтақалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг турли тарқалиш кўрсаткичларини акс эттиради, охирги жаҳон иқтисодий инқирозига қарамасдан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб бораётган тенденцияни намойиш қилади. Аслида, ахборот-коммуникация технологиялари электроника, телекоммуникация, дастурий таъминот, тармоқлар, марказлаштирилмаган компьютер иш станциялари ва оммавий ахборот воситаларининг интеграцияси бўлиб, уларнинг барчаси фирмалар, саноат ва умуман олганда иқтисодиётга катта таъсир кўрсатади. Интеллектуал ахборот-коммуникация



технологиялари радио, телевидение, коммуникация ускуналари ва дастурий таъминотни ўз ичига олган турли “алоқа ускуналари”дан иборат. Шу боис, ахборот-коммуникация соҳаси инвестициялар асосан, компьютер ва телекоммуникацияларга, дастурий таъминот ва хизматларга киритилади. Ахборот технологиялари имкониятларининг ўсиши Ўзбекистонга ҳам таълуқлидир. Ахборот технологиялар бозорини ривожлантириш бўйича муҳим чора - тадбирлар амалга оширилди, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари импорти тез ўсмоқда. Республикада телекоммуникациялар секторлари жадал суръатларда ривожланмоқда.

Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларга ҳам чиқувчи каналлар сони бир неча марта ортди, бу биринчи навбатда Ғарб компанияларининг йирик инвестициялари ҳисобига юз берди, телефон каналлари сони тез ортмоқда. Бугунги кунда республика ахборот технология соҳасини инновация йўналиши бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, мобил алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет Илмий адабиётда илмий - техникавий салоҳиятни тавсифлаш учун алоҳида таркибий қисмлари (кадрлар, моддий - техника базаси) тавсифларидан ва молиялаш кўрсакичларидан жами жорий харажатлар ва салоҳиятининг умумийлаштирувчи баҳоси сифатида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг эскириши турли муддатларини ҳисобга олган ҳолда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига жамғарилган харажатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот-коммуникация технологияларидир. Тахлилиларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига қўшимча янги талқинини, яъни ахборот технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз. Ахборот технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб ҳисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик.



Adabiyotlar:

1. Umarbekovna D. D. ISSUES OF PRODUCT EXPORT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURIAL ENTITIES //World Economics and Finance Bulletin. – 2022. – Т. 13. – С. 57-58.
2. Utanov B. Q., Maxamadrahimov M. O. BUILDING CORPORATION MANAGEMENT: IN CASE OF THE USA AND JAPAN MODELS //INSTITUTIONAL FRAMEWORK OF THE ECONOMY FUNCTIONING IN CONDITIONS OF TRANSFORMATION. – 2014. – С. 304-306.
3. Утанов Б. К. ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МНОГОПРОФИЛЬНЫХ ФЕРМЕРСЬКИХ ХОЗЯЙСТВ //К64 Конкурентоспроможна модель інноваційного розвитку економіки України: матеріали III Міжнар. наук.-практ. конф., м. Кропивницький, 14 квіт. 2020 р./М-во освіти і науки України, Центральноукраїн. нац. техн. ун-т.—Кропивницький: ЦНТУ, 2020.—358 с. – 2020. – С. 344.
4. Khabibullayev I., Utanov B. K. STATISTICAL INDICATORS OF FISCAL SYSTEMS AND METHODS OF ACCOUNTING //Economics & Law. – 2015. – Т. 51. – №. 5.
5. Absalamova G. S. VIEWS OF FRENCH RENAISSANCE THINKERS ON CHILD UPBRINGING //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. Special Issue 1. – С. 12-17.
6. Absalamova G. FRANSUZ MUTAFAKKIRI MICHEL DE MONTEN FARZAND TARBIYASI XUSUSIDA: FRANSUZ MUTAFAKKIRI MICHEL DE MONTEN FARZAND TARBIYASI XUSUSIDA //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2021. – Т. 4. – №. 9.
7. Beknazarova M., Saypiyev T. NAKARBOKSIMETILTSELLYULOZANI GETEROGEN SHAROITDA PARCHALASH VA GETEROGEN KATALIZ, GETEROGEN TIZIM: XUSUSIYATLARI, TASNIFI VA USULLARI //Academic research in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 12. – С. 45-53.
8. Sharifovna A. G. Michel Monten's Style in His “Essays” //Procedia of Social Sciences and Humanities. – 2021. – Т. 1. – С. 364-368.
9. Жанонова С. Б. Этимология Названия Растений //Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 6. – С. 113-116.
10. Janonova S. B. Place and application of terminology in agriculture //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 7. – С. 255-258.